



ЎЗБЕКИСТОН МУСТАҚИЛЛИГИ ДАВРИДА ИҚТИСОДИЁТНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА РИВОЖЛАНИШНИНГ АЙРИМ ХУСУСИЯТЛАРИ

Ахроров Бахром Джаббарович¹

¹Ўзбекистон Республикаси

Жамоат хавфсизлиги университети профессори

Наримов Икром Шерматович²

²Тошкент шаҳар

Прокурорининг биринчи ўринбосари

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7057714>

ARTICLE INFO

Received: 01st September 2022

Accepted: 03rd September 2022

Online: 07th September 2022

KEY WORDS

иқтисод, иқтисодий эркинлик, хўжалик юриши, бюджет тизими, солиқ, тадбиркорлик, аралаш иқтисодиёт, мулкӣ хилма-хиллик, бизнес.

ABSTRACT

Мақолада Ўзбекистон Республикасининг мустақиллик йилларида иқтисодий муносабатларнинг қайта шаклланиши ва ривожланиши масалалари, давлат ва жамиятнинг ривожланишида иқтисодиётнинг ахамияти таҳлил қилинган. Иқтисодиётнинг ривожланиши ва дунёдаги етакчи давлатларнинг тажрибаларидан фойдаланган ҳолда иқтисодиётни такомиллаштириш бўйича фикр-мулоҳазалар баён қилинган.

Жорий йилда Ўзбекистон ўз мустақиллигининг ўттиз бир йиллигини нишонлайди. Ўтган мустақиллик даврида кўплаб ислохотлар амалга оширилди, ижтимоий масалаларга катта эътибор қаратилди, фуқароларимизнинг иқтисодий муносабатларига янги эркинликлар яратилди, ишлаб чиқариш ва тадбиркорликларга кенг йўл берилганини алоҳида таъкидлаш лозим. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг 2020 йил декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатида, - “Бугунги мураккаб шароитда юртимизда бошланган кенг қамровли ислохотлар, янги Ўзбекистонни барпо этиш сари ташлаётган дадил қадамларимизнинг бардавом бўлишини таъминлаш энг

асосий вазифамиз бўлиши шарт” [1],- деб таъкидлаб ўтган эди. Ўзбекистонда демократик ҳуқуқий давлат қуришининг асосий шартларидан бири шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш ва жамиятда инсон ҳуқуқларини таъминлашнинг ишончли, тўлақонли қафолатларини яратишдир. Бугунги кунда қонун ҳужжатларининг бутун бир тизими ишлаб чиқилган, ҳамда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш бўйича миллий институтлар фаолият кўрсатмоқда. Ўзбекистон Республикаси инсон ҳуқуқ ва эркинликлари бўйича 70 дан ортиқ халқаро ҳуқуқий ҳужжатларни ратификация қилган. Ҳаракатлар стратегияси асосида давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларини



ривожлантиришга қаратилган 150 дан ортиқ қонун ва 2 мингдан ортиқ фармон ва қарорлар қабул қилиниб, ижрога қаратилди ва яна қатор ҳужжатлар лойиҳалари устида ишланмоқда. Мазкур ҳужжатлардан мақсад мамлакатни янада модернизациялаш, қонун ва инсон ҳуқуқлари устуворлигини таъминлаш, халқ фаровонлигини оширишдан иборатдир.

Тошкентда 2018 йил 21 ноябрь куни «Инсон ҳуқуқлари соҳасида тараққиёт мезонларини ўлчаш бўйича қиёсий кўрсаткичлар: халқаро амалиёт ва Ўзбекистон тажрибаси» мавзuida халқаро конференция бўлиб ўтди. Ушбу анжуманда БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармаси, унинг Марказий Осиё бўйича минтақавий бўлими ҳамда бошқа дахлдор ташкилларнинг палатаси депутатлари, ижро ва суд ҳокимияти органлари, фуқаролик жамияти институтлари, таълим муассасалари, халқаро ташкилотлар, дипломатик корпус, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Конференцияда Ўзбекистонни ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ мамлакатимизда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида амалга оширилаётган ишлар ҳақида маълумот берилди. Ўзбекистон Республикаси қонунчилигини такомиллаштириш ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг халқаро механизмлари, инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар фаолияти самарадорлигини баҳолаш, гендер тенглиги даражаси ва инсон ҳуқуқларига риоя қилишни ўлчаш индикаторлари, инсон ҳуқуқларини

судда ҳимоя қилиш даражасини баҳолаш учун қиёсий кўрсаткичлар каби йўналишларда миллий ва халқаро тажриба муҳокама этилди.

Бўлиб ўтган ушбу халқаро конференцияда БМТнинг Хотин-қизлар ҳуқуқлари камситилишининг барча шаклларига барҳам бериш бўйича кўмитаси раиси, Қозоғистон, Қирғизистон, Литва, Россия Федерацияси, Тожикистон Омбудсманлари, шунингдек, Озарбайжон ва Польша Омбудсман институтлари вакиллари ҳам иштирок этди. Ушбу конференцияда қатнашган Россия Федерациясининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили Татьяна Москалькова: «Мен ўтган йили ҳам Ўзбекистонга келган эдим ва бир йил ичида жамиятингизда улкан ўзгаришлар рўй берганига гувоҳ бўлдим. Бугун Президентнинг Виртуал қабулхонаси ва Халқ қабулхоналари ҳар бир фуқарога давлат органлари билан мулоқот қилиш ва бузилган ҳуқуқларини тиклаш, нотўғри қарорлар текширилишини талаб қилиш имконини бермоқда. Мамлакатингизда дин ва эътиқод эркинлигини таъминлаш, ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш борасида ҳам ижобий ишлар қилинмоқда», – дея эътироф этиши бу борада юртимизда олиб борилаётган ислохотлар ижобий самара бераётганини англатади.

Бугун мамлакатимизда 130 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари бир оила фарзандларидек аҳил ва иноқ яшамоқда. Улар умумий уйимиз – Ўзбекистонимиз равнақи йўлида бирлашиб, барча соҳа ва тармоқларда фидокорона меҳнат қилмоқда, ривожланган бозор иқтисодиёти ва



кучли фуқаролик жамиятига асосланган ҳуқуқий демократик давлат қуришга муносиб ҳисса қўшмоқда. Конституциямиз ва қонунларимизда Ўзбекистон Республикасининг барча фуқаролари миллати, тили ва динидан қатъи назар, тенг ҳуқуқ ва эркинликларга эга экани мустаҳкамлаб қўйилган. Уларга ўз миллий маданияти, анъана, урф-одатларини сақлаш ҳамда ҳар томонлама ривожлантириш учун барча имкониятлар яратилган.

Мамлакатимизда 16 та конфессияга мансуб диний ташкилотлар эркин фаолият юритмоқда. Давлат таълим муассасаларида ўқитиш 7 тилда олиб борилапти. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси кўрсатувларни 12 тилда намойиш этмоқда. Мамлакатимизда этник ўзига хосликни ривожлантириш ва миллатлараро муносабатларни янада уйғунлаштиришда 138 та миллий маданий-марказ етакчи роль ўйнапти. Улар ўзига хос маданияти, тили, халқ ҳунармандчилигини ривожлантириб, бир-бирини ўзаро бойитишига, кўп миллатли ягона оила туйғусини мустаҳкамлашга салмоқли ҳисса қўшмоқда. Шунингдек, Ўзбекистонда хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жамиятлари кенгаши, 34 та дўстлик жамияти мувафақиятли фаолият юритмоқда.

Ўзбекистонга 2017 йилда БМТ Бош котиби Антониу Гутерриш, БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари Зайд Раад ал-Хусайн, БМТнинг дин ва эътиқод эркинлиги масаласи бўйича махсус маърузачиси Аҳмад Шаҳид ташриф буюрди. Ушбу ташриф якунлари бўйича

мамлакатимиз парламенти томонидан Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармаси билан ҳамкорликни янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар режаси қабул қилинди. Мазкур ҳужжат инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш соҳасида 90 дан ортиқ тадбирни ўз ичига олган. Мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман), Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказ, каби инсон ҳуқуқлари ва эркинлигини ҳимоя қилиш бўйича миллий институтлар қонун устуворлигини таъминлаш, фуқаролар ҳуқуқларини қонунчиликка биноан ҳимоя қилиш жараёнида фаол иштирок этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили фаолияти такомиллаштирилди. Унинг жазони ижро этиш муассасаларида назоратни амалга оширишга оид ваколатлари кенгайтирилди. Инсон ҳуқуқ ва эркинлигини суд орқали ҳимоя қилишда диққатга лойиқ ишлар амалга оширилди, жумладан, сўнгги беш йил давомида суд-ҳуқуқ соҳасини ислоҳ этиш борасида 40 дан ортиқ қонун, фармон ва қарорлар қабул қилинди. Жиноят содир этганликда гумон қилинаётган шахсларни ушлаб туриш муддати 72 соатдан 48 соатгача қисқартирилди, ЖК жазолар тизимидан узоқ вақт давомида ўзини оқламаган қамоқ жазоси чиқарилиб, мажбурий жамоат ишлари ва озодликни чеклаш жазолари киритилди, адвокатларнинг суд фаолиятидаги роли кучайтирилди. Мазкур чоралар БМТнинг Инсон



ҳуқуқлари бўйича кенгаши томонидан Ўзбекистоннинг инсон ҳуқуқлари бўйича йиллик ҳисоботларини кўриб чиқишда билдирилган тавсияларга тўла жавоб беради.

БМТ Тараққиёт дастурининг Истанбул шаҳридаги минтақавий маркази маслаҳатчиси Изабель Чан: “Мамлакатингиз билан ҳамкорлигимиз мазкур мақсадларни амалга ошириш йўлидаги иқтисодий, ижтимоий, атроф-муҳитни ҳимоя қилишни ривожлантиришга доир масалаларни ҳал қилишга қаратилган. Ўзбекистонлик ҳамкорларимиз билан ишлаш жараёнида биз инсон ҳуқуқлари соҳасида ўзгаришлар ясайдиган индикаторлар киритишни мўлжалламоқдамиз”, дея алоҳида таъкидлаб ўтди.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев “... Қонун адолатли бўлса, у инсон ҳуқуқларини амалда ҳимоя қилса, шундагина одамлар қонунни ҳурмат қилади ва унга итоат этади. ... Фуқароларнинг фикр, сўз ва эътиқод эркинлигига доир конституциявий ҳуқуқларини таъминлаш – ривожланган демократик давлат ва кучли фуқаролик жамиятини барпо этишнинг муҳим шартидир”, [2] дея таъкидлаган.

Давлат сиёсатининг тўлиқ таъминланиши учун ҳалол иқтисодий муҳит яратилиши лозим, иқтисодий эркинлик Конституция ва қонунларнинг кафолатланиши эвазига яратилади, иқтисодий жозибadorлик шаклланади, мамлакатимизга бўлган ишонч ортиб боради. Хорижий ҳамкорларда ишонч руҳи шаклланади ва ҳамкорлик муносабатлари ортиб боради. Натижада давлат, жамият ва фуқароларимизнинг иқтисодий

баркамоллигига эришиш имкониятлари яратилади, илм-фан ривожланади. Камбағалликни қисқартириш ва иқтисодий етук давлатлар қаторига кириш имкониятлари яратилади. Ғайриқонуний, ноҳалол яширин иқтисодиёт бутун жамиятнинг иқтисодий таназулига олиб келади, камбағаллик янада ортади, сиёсий муҳит парчаланаяди, олиб борилаётган ҳар қандай ислохотлар бесамар кетаверади. Дунё бўйича давлат қолақ давлатлар қаторига борган сари кириб бораверади.

Давлатнинг иқтисодий баркамоллиги жамият ҳаётининг асосий соҳасидан биридир, инсониятнинг борлиғи, ривожланиши, жамиятнинг иқтисодий манбаини ташкил қилади. Иқтисодсиз жамият бўлмайди. Давлат жамиятнинг иқтисодий тараққий этишига замин яратади, назорат қилади ва ҳуқуқий ҳимоя қилишни таъминлайди. Унда инсонлар ўзларининг моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондириш мақсадида турли неъмат ва воситаларни ишлаб чиқарадилар ҳамда ўзаро иқтисодий муносабатларга киришадилар. Иқтисодий салҳият давлатлар ўртасидаги муомила муносабатларининг ҳам асосини ташкил этади, иқтисодий алоқаларнинг йўлга қўйилиши воситасини ташкил этади.

Иқтисодий ҳаёт кишиларнинг ижтимоий, маданий, сиёсий ҳаёт соҳаларининг моддий асосини ташкил этади, уларнинг ривожланишига моддий манба бўла олади. Моддий манба фақатгина истеъмол воситаси бўлиб қолмай, давлат ва жамият ривожланишининг барча соҳаларининг молиялаштирилишига хизмат қилади.



Жумладан, давлатнинг сиёсий, ижтимоий, муҳофаа, маданий, манавий ва бошқа соҳаларининг мавжудлиги ва ривожланишининг молиялаштирилишининг асоси бўлиб хизмат қилади.

“Иқтисод” иборасининг ўзи нимани англатади, қандай маънога эга. Ушбу иборанинг луғавий маъноси тежамкорлик, режали бўлиш, моддий неъматли бўлиш каби маъноларни англатади. Буюк мутафакир Абдулло Авлонийнинг иқтисодга берган таърифига кўра, “Иқтисод деб пул ва мол каби неъматларнинг қадрини билмоққа айтилуру. Мол қадрини билувчи кишилар ўринсиз ерга бир тийин сарф қилмас, ўрни келганда сўмни аямас” [3], деган эди.

Иқтисодиёт назариясида “Иқтисодиёт” тушунчасига шундай таъриф берадилар: Биринчидан, иқтисодиёт – бу хўжалик юритиш, инсон томонидан яратилган турли неъматлардан фойдаланиб ҳаёт кечиретиш, инсонлар ҳаётини таъминлаш ва яхшилаш тизими; иккинчидан, иқтисодиёт – бу ресурслар ва жамият аъзолари томонидан яратилган товар ва хизматларнинг фирма ва уй хўжаликлари орасидаги узлуксиз доиравий ҳаракати; учинчидан, иқтисодиёт – бу фан, турли-туман чекланган ресурслардан фойдаланиб, жамият эҳтиёжларини қондириш билан боғлиқ бўлган, хўжалик юритиш жараёнида одамлар ўртасида вужудга келадиган муносабатлар ҳақидаги билимлар мажмуидир[4].

Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий муносабатлари Ўзбекистон Республикасининг “Бюджет Кодекси” билан тартибга солинади. Ушбу

кодекснинг 1-моддасида “... Кодекс Ўзбекистон Республикасининг бюджет тизими бюджетларини шакллантириш, тузиш, кўриб чиқиш, қабул қилиш, тасдиқлаш, ижро этиш, давлат томонидан маблағ жалб қилиш ва бюджет тўғрисидаги қонунчилик ижросини назорат қилиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш”, деб белгиланган. Ушбу қонун давлат бюджетининг тартибга солинишининг асосий қонуни бўлиб, ушбу қонун бошқа қонун ва нормалар билан ҳам тартибга солинишини белгилаб берган, лекин шуни таъкидлаш лозимки, бошқа қонун ёки қонун ости норматив ҳуқуқий ҳужжатлар ушбу қонунга зид бўлиши мумкин эмас. Бюджет Кодексининг 2-моддасида, (Бюджет тўғрисидаги қонунчилик) Бюджет тўғрисидаги қонунчилик ушбу Кодекс ва бошқа қонунчилик ҳужжатларидан иборатдир. Бюджет тўғрисидаги қонунчиликнинг бошқа қонунчилик ҳужжатларида кўрсатилган нормалари ушбу Кодексга мувофиқ бўлиши керак, деб белгилаб қўйилган.

Ушбу қонуннинг тартибга солиш соҳаси солиқ тизими, божхона қонунчилик нормалари маҳаллий ва соҳавий йиғимлар каби нормаларнинг қоидаларига ҳам боғлиқдир. Ушбу вазибаларнинг тартибга солиш ва юритиш ваколатлари Бюджет Кодексининг 4-бобида қонунлаштириб берилган. Унда, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг бюджет соҳасидаги ваколатлари, Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг бюджет соҳасидаги ваколатлари, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг, халқ депутатлари вилоятлар ва



Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар Кенгашларининг бюджет соҳасидаги ваколатлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимларининг бюджет соҳасидаги ваколатлари, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг бюджет соҳасидаги ваколатлари, Худудий молия органларининг бюджет соҳасидаги ваколатлари, Бюджет маблағларини тақсимловчиларнинг бюджет соҳасидаги ваколатлари, Бюджет ташкилотларининг ва бюджет маблағлари олувчиларнинг бюджет соҳасидаги ваколатлари, Давлат мақсадли жамғармаларини тақсимловчи органларнинг бюджет соҳасидаги ваколатлари белгилаб берилган.

Давлатнинг бюджет сиёсати қонунга мувофиқ бўлиши ва сиёсатдан ҳоли бўлишини талаб этади, бюджет муносабатларига сиёсат устиворлик қилиши мумкин эмас, иқтисодий муносабатларига сиёсатнинг аралашуви жамиятнинг иқтисодий негизининг бузилишига, инқирозига олиб келиши мумкин. Собиқ Совет иттифоқининг асосий инқирозига ҳам иқтисодий муносабатларнинг сиёсатга бўйсиндирилганлиги оқибатлари сабаб бўлган, доимий равшда иқтисодий танглик ҳукумронлик қилган, озиқ-овқат етишмовчилигига олиб келган, очарчилик йиллари вужудга келган.

Собиқ тоталитар, маъмурий-бўйруқбозлик тизими шароитида сиёсат иқтисодиётдан устун бўлиб, унинг ривожланиш йўналишларини белгилаб берар эди. Бу тузумнинг иқтисодий негизини давлат ва колхоз-кооператив мулкчилик шаклларида иборат

умумхалқ мулки ташкил этган эди. Давлат асосий ишлаб чиқариш фондларининг 90 фоиздан ортиғига эга бўлиб, иқтисодиётда якка ҳокимликни ўрнатган эди. Бунинг оқибатида давлат иқтисодиётни “марказ”дан маъмурий-бўйруқбозлик асосида бошқариб борган эди.

Жамият аъзолари ижтимоий мулкка эгаллик қилиш ҳуқуқидан маҳрум эдилар. Тадбиркорлик, бизнес билан шуғулланиш, хусусий савдо муносабатлари қонун билан ман этилиб, жинорий жавобгарлик белгиланган эди. Бундай фаолият билан шуғулланганлар чайқовчи, хусусий косибкор, савдо қоидаларини бузувчи ёт унсур сифатида жинорий жавобгарликка тортилганлар. Хусусий мулк ҳуқуқи қўпол равшда бузилиб, хусусий мулк эгалари “қулоқлар” деб аталиб, оғир жазолар билан жазоланганлар. Фуқароларнинг хусусий мулкдан, унинг иқтисодий манфаатларидан бахраманд бўлишдан маҳрум этилганлари туфайли, меҳнат қилиш ва меҳнат натижаларидан манфаатдор бўлишга истаклар сўндирилган. Давлат сиёсатининг иқтисоддан устун қўйилганлиги сабабли, доимий озиқ-овқат танқислиги, етишмовчилиги давлат миқёсидаги муаммо бўлиб келган. Озиқ-овқат таминоти ҳақидаги давлат миқёсидаги қарор ёки қонунлар қабул қилинишига қарамай охиरोқибат давлат инқирозига олиб келган.

Маълумки, шахснинг мулкдор бўлиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шароитларида ишлаш, ўзи истаган иқтисодий фаолият тури билан эркин шуғулланиш ҳамда шунга мувофиқ чекланмаган даромад олиш ва яхши яшаш имкониятларига эга бўлиш каби



хуқуқларини амалга оширишни фақат ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётигина таъминлашга қодирдир.

Мустақилликка эришган Ўзбекистон ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган демократик ҳуқуқий давлатни ва фуқаролик жамиятини барпо этиш мақсадида туб ислохотларни амалга оширмоқда.

Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Конституциясида “бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этади. Давлат истеъмолчиларнинг ҳуқуқи устунлигини ҳисобга олиб, иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини, барча мулк шаклларининг тенг ҳуқуқлигини ва ҳуқуқий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза этилишини кафолатлайди” [5], деб белгилаб қўйилган.

Эркин ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётининг муҳим белгиси иқтисодий плюрализм бўлиб, демократиянинг умумбашарий тамойили ҳисобланади. Иқтисодий плюрализм тушунчаси мулк шакллари ва хўжалик юритиш усулларининг хилма-хил бўлишида ўз ифодасини топади. Шу боисдан ҳам ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти ўз моҳиятига кўра кўп тармоқли полииқтисодиёт (аралаш иқтисодиёт) бўлиб, унда турли мулк шакллари ва хўжалик соҳаларининг тенг ҳуқуқлилиги, мувозанатда бўлиши ҳамда иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлиги таъминланади.

Аралаш иқтисодиёт, бу ҳозирги замон ривожланган бозор иқтисодиёти бўлиб, эркин бозор иқтисодиётининг намунасидир. Аралаш иқтисодиёт АҚШ, Англия ва Франция каби ривожланган мамлакатларга хос. Аралаш иқтисодиёт полииқтисодий тизим булиб, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти, кооператив иқтисодиёт каби моделлардан ўзининг 3 жиҳати билан ажралиб туради: а) мулк хилма-хиллик. Мулк хилма-хилликда иқтисодиётда ягона мулк монополиясига ўрин қолмайди, хилма-хил мулкчилик ёнма-ён ривожланади. Мулкчиликнинг учта шакли мавжуд бўлиб, булар хусусий мулк, жамоа мулки ва давлат мулкидан иборат бўлади. Хусусий мулкнинг индивидуал (якка) мулк шакли эмас, балки кооператив (ширкат) шакли устуворлик қилади. Жамоа мулки эса ишчи ва хизматчиларнинг ўзига ёки уларнинг касаба уюшмасига карашли мулкдан ташкил топади ва халқ корхоналарида ўз ифодасини топади. Бу корхоналардаги ишчи ва хизматчилар ҳам мулк соҳиби, ҳам меҳнат аҳли ҳисобланадилар. Давлат мулки энг муҳим, умуммиллий аҳамиятга молик соҳалар билан чекланади, унинг доираси хусусийлаштириш асосида қисқариб боради. Мулк шаклларида ҳеч қайсиси монопол мавқеда бўлмайди. Иқтисодиётда мулк шаклларининг мувозанати сақланади; б) хўжалик юритиш хилма-хиллиги. Хўжалик якка, ширкат, аралаш тарзда юритилади. Хўжалик субъектлари хўжалик фаолиятини ўз маблағига, қарз пулига таяниб юритадилар, улар ўртасида ижара муносабатлари кенг тарқалади. Ер, умуман, кўчмас мулк ва ҳатто,



машина-ускуналар ҳам ижара асосида ишлатилади, лизингнинг турли шакл ва усуллари кенг қўлланилади. Хўжалик юритиш миллий доирадан чиқиб байналминаллашади. Қўшма корхоналар, трансмиллий корпорациялар ривожланади, очиқ иқтисодий зоналар ташкил топади; в) хўжалик фаолияти миқёсида мувозанатнинг таъминланиши. Йирик, ўрта ва кичик бизнес мувозанатли ҳолатда ривожланади. Йирик корхоналар монополиясига ўрин қолмайди. Ҳар бир бизнес ўз соҳасида ривож топади. Йирик ва кичик бизнес муносабати, бир томондан, рақобат муносабати бўлса, иккинчи томондан шериклик ва ҳамкорлик муносабатига айланади. Мувозанатли ҳолат рақобатига кенг йўл очади, монополияни чеклайди. Шу сабабли айрим корхоналар ёпилади, ўзаро қўшилади ёки янгидан очилади. Иқтисодиёт субъектларининг кўпчилик бўлиши рақобатнинг аҳамиятини оширади, сифатли маҳсулотларга эришилади. Аралаш иқтисодиёт кўп соҳалиликни талаб этади ва бозор талаби атрофлича ўрганилиб, бозорбоп, яъни яхши сотиладиган товарлар ишлаб чиқарилади; барча ишлаб чиқариш омиллари унумдорликни таъминлаш йўлида мукамаллаштириб борилади. Самарали ишлаб чиқариш ҳамма даромадларни (иш ҳақи, фойда, рента, фоиз) ошириш имконини беради. Чунки ҳар бир омилнинг (ер, меҳнат ва капитал) берган иқтисодий самараси ошиб боради. Аммо даромадлар таркибида меҳнатдан келадиган даромад — иш ҳақи ҳиссасининг ортиб боришига олиб келади.

Аралаш иқтисодиётнинг оммавий фаровонликни таъминлашдан иборат умумлаштирувчи қонунига асосланади ва у иқтисодиётнинг ижтимоий йўналишини ифода этади. Бу қонунни икки ҳолат юзага келтиради. Биринчидан, мулк хилма-хил бўлиб, озчилик қўлида тўпланмай, кўпчиликка тегишли бўлади ва меҳнат аҳли айна вақтда мулк соҳибларига ҳам айланади. Иккинчидан, маҳсулот ва хизматларнинг кўплаб яратилиши фаровонликни таъминлашга етарли бўлади. Даромадлар юқори бўлганидан улар тирикчилик сарфидан ортиб қолиб, пул ва моддий шаклдаги жамғармага айланади. Шу боис миллий бойлик таркибида аҳоли мол-мулкининг ҳиссаси ортиб боради. Ҳозирги аралаш иқтисодиётда иқтисодий муносабатларнинг аралаш тарзда бўлиши бозор ва нобозор муносабатларнинг узвий қўшилиб кетишига олиб келади. Бозор муносабатларига хос рақобат, фойда учун кураш, хусусий мулк ҳукмронлиги, даромадларнинг ишлаб чиқариш омилларидан фойдаланиш натижасига боғлиқ бўлиш каби белгилар билан бир қаторда узоқ шериклик асосида ҳамкор бўлиш, бизнесда ўз ўрнини топиб ортириш, имижга эга бўлиш, ишчи-хизматчиларнинг мулкдорларга айланиши, хайр-саҳоват қондасига биноан ночорларга доимо ёрдам бериш каби муносабатлар ҳам камол топади. Аралаш иқтисодиётда тартибсизлик ва ноаниқлик минимал даражага тушади, иқтисодиёт давлат томонидан тартибга солинади, иқтисодий мувозанатлар тикланиб туради. Давлат даромадларни қайта тақсимлаб, минимал даромадларни кескин пасайишига йўл



бермайди. Шу мақсадда қонун йўли билан иш ҳақи минимум миқдори белгиланади. Давлат антимонопол сиёсат юргизади. Фирмаларда маркетинг хизматининг кучли ривожланиши бозорни чуқур ўрганиб, унинг талабига мослашиш имконини бергани ҳолда давлат ҳам иқтисодиётни тартибга солиб турганидан кучли

иқтисодий бўҳронлар ва ларзалар юз бермайди, иқтисодий танглик чуқур бўлмайди, ундан тезда ва кам талофат билан чиқилади.

Умуман олганда жамиятда иқтисодий ва ижтимоий барқарорлик қарор топади. Аралаш иқтисодиёт бозор муносабатларининг энг ривожланган шакли сифатида юзага келади.

References:

1. Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. Халқ сўзи 2020 йил 30 декабрь сониди.
2. Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 25 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасидан. Халқ сўзи 2017 йил 8 декабрь.
3. Абдулло Авлоний Танланган Асарлар. 2 жилдлик “Пандлар, ибратлар, ҳикоялар, набийлар ҳаёти, драмалар, мақолалар, саёҳат хотиралари”, Тошкент “Манавият” 2006 www.ziyouz.com kutubxonasi, 62 б.
4. Тожибоева Д. Иқтисодиёт назарияси. Тошкент “Иқтисод молия” 2005 й. 5 б.
5. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. -Тошкент: “Ўзбекистон” – 2020 й. 53-м.